

3 **ФОИЗСИЗ КРЕДИТЛАР ДАВРИ КЕЛДИ**

5 **КАНАДАЛИК ДЕПУТАТЛАРДАН ЎРГАНСАК БЎЛАРКАН**

8 **25 ИЮЛЬ САНАСИ ЎЗБЕКИСТОН СПОРТИ ТАРИХИГА ЗАРҲАЛ ҲАРФЛАР БИЛАН БИТИЛДИ**

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА ТАЯНГАН ТАРАҚҚИЁТ



«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»
ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИНING ИЖТИМОЙ-
СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ


№ 25 (1127) 2021 йил 28 июль, чоршанба

1995 йил 10 июндан чиқса бошлаган

www.mt.uz / gazeta@mt.uz / tiklanish@mail.ru

milliy

tiklanish



ПАРЛАМЕНТДА:

ЯНА ВАЪДА, ЯНА ЁЛФОНЛАРМИ?

Соҳа мутасаддиларининг
лоқайдлиги билан имконият
ҳамда қимматли вақт
бой берилмоқда

2

➤ **АРАВАНГИНИ ЎЗИНГ ТОРТ,**
бизга кўп ҳам
ишонаверма... 2

➤ **САЙЛОВ
УЧАСТКАСИДА**
семинар
ўтказилди 3

➤ **ОЛИМ**
ҳақида сўз 4

➤ **«ТОЗА
ҚЎЛЛАР»**
қўлга олинди 5

6

ДФФОН СИНДРОМИ

Ўзбегим

Тарихингдир минг асрлар
Ичра пинҳон, ўзбегим,
Сенга тенгдош Помиру
Оқсоч Тиёншон, ўзбегим.

Сўйласин Афросиёбу
Сўйласин Урхун хати,
Кўҳна тарих шодасида
Битта маржон, ўзбегим.

8


ЛОҚАЙДЛИК

Кўчасидан чиқишнинг иложи борми? 5

Яна ваъда, яна ёлфонларми?

Соҳа мутасаддиларининг лоқайдлиги билан имконият ҳамда қимматли вақт бош берилмоқда

Шарқ олами тан олган ва эътироф этган буюк аллома, маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир» деган гапларини кўп эслаб, кўп тилга оламузу, аммо унга амал қилишга келганда «бироз оқшани» маъқул кўраимиз.



Энг ёмони, бундай «оқшага» оддий фуқаро, оддий педагог, оддий мактаб ўқитувчиси ёки оддий тарбиячи эмас, айтиш соҳанинг айрим валломатлари йўл очиб бермоқдалар.

«Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясининг кечаги йиғилишини кузатган киши юқоридаги истеҳзо бежиз эмаслигини тушунган бўларди. Аммо афсуски, ана шундай «мажлисот»лар моҳияти ҳар доим ҳам Парламентимизнинг тезкор матбуот хизмати томонидан аҳли фуқарога тўла етказиб берилмапти...

Энди муддаога ўтсак: фракция йиғилишида асосий эътибор бундан бир йил аввал «Тарбия» дарслигининг таълим тизимида жорий этилганига, аммо мамлакатда таълим учун масъул бўлган асосий тизим – Олий таълим вазирлиги мутасаддиларининг ушбу фанни ўқитувчи мутахассислар тайёрлаш масаласида барчани бирдек алдаганига қаратилди.

– Бундан бир йил муқаддам «Миллий тикланиш» ташаббу-

си билан мактабларда «Тарбия» дарслари жорий этилиб, партия ушбу фан бўйича етук мутахассисларни тайёрлашни энг долзарб масалалардан

Халқ таълими вазирлигининг устамон вакиллари ҳам ўз имкониятларидан келиб чиқиб, янги дастурга мос равишда ўқитувчилар малакаси

йил йўқотилди. Аммо ота-боболаримиз айтганидек, таълимда йўқотилган сония, дақиқа ва соатлар йилларга татигулик бўлади.

Халқ таълими тизимидаги «инқилобий ўзгаришлар» билан ижтимоий тармоқларда жавлон уришга одатланган Халқ демократик партиясининг фаоли Шерзод Шерматовнинг «озгина эътиборсизлиги» ҳам «тарбия»нинг «ҳолсиз»линишига йўл очиб бермоқда.

Аммо фракция йиғилишида энди бундай муносабат томошабинлик позициясини оқлаш қабилида қабул қилиниши таъкидланди...

Фракция йиғилишида яна бир муҳим масала – «COVID-19»нинг қувиш даражасини пасайтириш ва алоҳида ижтимоий иммунитетни ташкил этиш мақсадида фуқароларни вакцинация қилиш ишларини жадаллаштириш масаласи ҳам муҳокама қилинди. Таъкидлаш жоизки, айни пайтда партия вакиллари таклифидан келиб чиқиб, тегишли қонунларга ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Қонун лойиҳасида «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Қонуннинг 28-моддасига карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши хавфи мавжуд бўлган тақдирда Бош давлат санитария врачининг қарори асосида аҳолини профилактик эмлашдан ўтказиш жорий этилиши мумкинлиги тўғрисида аниқ норма киритилмоқда. Меҳнат кодексининг 113-моддасида эса ходим юқумли касалликлар тарқалиши хавфи мавжуд бўлган тақдирда жорий этиладиган профилактик эмлашдан ўтишни рад этган тақдирда иш берувчи уни ишга қўймасликка ҳақли экани кўзда тутилган.

Депутатларнинг фикрича, бу коронавирус инфекциясининг янги тўлқинларини олдини олиш учун аҳоли ўртасида оммавий вакцинацияни ташкил этишнинг қонуний асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шунингдек, юқумли касалликлар тарқалиши хавфи мавжуд бўлган тақдирда профилактик эмлаш ўтказишни

жорий этиш юзасидан амалдаги қонунчиликдаги мавжуд зиддиятлар ҳам бартараф этилади.

Йиғилишда фуқароларнинг вакциналарга бўлган ишончсизлиги оқибаотида шу кунгача Ўзбекистонда 1 млн. 100 минг киши эмлангани, бу 18 ёшдан ошган жами аҳолининг атиги 4,8 фоизини ташкил қилаётганига эътибор қаратилди. Жамоавий иммунитетни шакллантириш учун эса аҳолининг 60-80 фоизи эмланиши зурур. Масалан, Хитойда вакциналарга бўлган ишонч 90 фоиз, Бразилияда 80, Ҳиндистон, Индонезия ва Таиландда 70, Туркия ва Мексикада эса 60 фоизни ташкил этмоқда. Франция, Греция, Австралия, Италия, Латвия, Россия, Қозғистон, Тожикистон ва бошқа давлатларда мажбурий вакцинация амалиёти жорий этилган.

Фракция аъзолари ушбу қонун лойиҳасини ҳам концептуал жиҳатдан маъқулладилар.

Равшан МАҲМУДОВ,
«Миллий тикланиш»
мухбири

Оғриқли нуқта

Аравангни ўзинг торт, бизга кўп ҳам ишонаверма...

Ўтган асрнинг сўнгги ўн йиллиги, аниқроғи, 1989 йили она тилимизга давлат тили мақоми берилган ва бу жуда катта байрамга айланиб кетган эди.

Аммо, ҳали шўролар салтанати ҳукм суриб турган бир вақтда бу воқеа, шунчаки, кенгашли тўй шаклида, хамирдан қилини суғургандек осон кўчмаганини бугун ҳам бемалол тасаввур қилиш мумкин...

Тил – миллатнинг муҳим белгиларидан бири. Тилимизнинг «озодликка эришиши» ортидан халқимиз ўзининг азалий орзуси бўлмиш – Миллий истиқлолга ҳам эришди. Мустақилликка эришишимизда Она тилимизнинг «қафасдан озод бўлиши» муҳим роль ўйнади. Истиқлолнинг мустаҳкамланиши, бу тилимизнинг ҳам мустаҳкамланиши, ўз қаддини янада баландроқ тутиши, демократия...

Сўнгги 4-5 йилда жамиятимизда кескин ўзгаришлар юз берди. Буни истаган соҳа мисолида кўришимиз мумкин. Биргина, давлат тилига бўлган эътиборни олайлик. Бугун она тилимиз бўлмиш ўзбек тилининг мавқеи ота-боболаримиз орзу қилган даражаларга чиқиб, у энг катта, нуфузли тadbир, анжуманларда ҳам жаранглай бошлади.

Шаҳримиз кўчаларида ёт тиллардаги ёзувлар сони кундан кунга камайиб бормоқда. Энг муҳими, катта-катта шохкўчаларимизда тилни улуғловчи, она тилига ҳурмат маъносидagi ҳикматли гаплар – ёзувлар кўпайиб бораётди.

Тасаввур қилинг. Йўлда кетаётган кўзингиз она тилингизни улуғловчи даъват, сўзларга тушса, кўнглингиздан нималар кечади?

Яқинда Тошкент шаҳри метрополитенининг Олмазор бекати, бекат атрофлари замонавий қиёфага келтирилди. Олмазор – бекатмисан, ҳақиқий бекат бўлди. Маълумки, Олмазор бекати метрополитенининг ўзига хос дарвозаларидан бири. Жуда кўп меҳмонлар айнан Олмазор бекати орқали пойтахтимиз маркази сари йўл олишади. Метрополитен маъмурияти бу масъулиятни яхши ҳис қилган ҳолда, миллийликка кенг эътибор қаратди. Бекатга тушар экансиз, йўлакларда она тилини улуғловчи даъватларга дуч келасиз. Ҳазрат Али-



шер Навойнинг портретлари ва унинг остида лотин алифбосида ҳазратнинг авлодларга васияти – «Тилга эътиборсиз – элга эътиборсиз!» шиори, Президент Шавкат Мирзиёевнинг «Ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб билишимиз керак», деган даъватлари...

Бир кунда бекатга минглаб йўловчилар тушиб чиқади. Киришда, чиқишда одамларимиз, айниқса, ёшларни бу ёзувларга кўзлари тушади. Кўз илғаган нарса кўнгли, қалбга муҳрланади.

Шубҳасиз, она тилимиз энг бой тиллардан. Дунёда бор-йўғи ўн минг нуфузи бор ва шу тилда китоблар чиқарадиган халқлар бор. Бизда эса, биргина Навой бобо ишлатган – фойдаланган сўзлар миқдорини эшитган ҳар қандай ажнабий сўз устаси ҳам ҳурмат юзасидан бошидан шляпаси – қалпоғини олади. Ҳикматли сўзлар, ибораларнинг сон-саногини йўқ. Ана шу ибора, ҳикматли сўзларни ўрни-ўрнида турли шиор, лозунглар қилиб ишлатиш мақсадга мувофиқ.

Енилғи қуйиш шохобчасига киришда катта баннерда шундай ҳикмат турибди: «Ватанни севмоқ аймондандир!».

Шу жойда «Инсоф сари – барака», «Ҳалоллик нима етсин!», «Ҳалоллик сотилса – ўлади!» каби ёзув – даъват бўлганда қандай чиройли бўларди, деб ўйлайман.

Ёки маҳалла идоралари пештоқи ё атрофида битта баннерда ёзилган иккита шиор бўларди. «Шаҳар бедарвоза эмас!».

Иккинчиси, «Ўз уйингни ўзинг асра!».

Узбекистонда қанча маҳалла фуқаролар йиғини бўладиган бўлса, ҳаммасида шу ёзув. Мантиқан олиб қараганда, битта баннердан ўрин олган бу ҳикматли гап – шиорлар бири иккинчисини инкор этади. Биринчи шиор, «Шаҳар бедарвоза эмас!» ҳар қандай фуқаронинг кўнглини тоғдек кўтариб юборади. Маҳалланинг эгаси бор, кўзи, қулоғи, посбони, биз учун қайғурадигани бор экан, дегандек. Унинг остида ёзилган даъват эса, одамнинг иккилантириб қўяди: «Ўз уйингни ўзинг асра!».

Яъни, аравангни ўзинг торт, бизга кўп ҳам ишонаверма, деган шамма бордай...

Қани мантиқ? Демокриманки, тилимиз ҳикматларга тўла, Худога шукр бой. Уни қашоқ қилиб кўрсатаётган ўзимиз. Эҳтимол, олдинлари шу ҳикматли сўзларни ҳам кимлардир тасдиқлаб, кейин руҳат бергандир. Энди, замон ўзгарган... Минг йилликлар чигиригидан ўтган, фақат ва фақат яхшиликка даъват қилувчи ҳикматли сўзларни халқимиз яхши билади. Қуйиб берайлик, ҳар бир маҳалла, гузар, туман ўзи ҳал қилсин. Ўз қиёфасига эга бўлсин. Ранг-баранглик кўзни қувонтиради ва фарзандларимиз ҳам кўчага чиққанда ҳар кун бир ҳикмат ўқиб уйга кирадиган бўлсин.

Тилимизга эътибор ортаётган, янги алифбога ўтаётган тарихий бир паллаларда юқоридаги каби қусурларимизга барҳам беришимиз зурур.

Она тилимизда янграйдиган, халққа фойдаси тегадиган сўз, ибора, ҳикматларни ўз ўрнида шиор қилиб ишлатишни, кўча-кўйларни ана шундай қутлуғ сўз даъватлар билан безаш маданиятини шакллантириш вақти аллақачон келган.


А.НАРЗУЛЛОЕВ, ЎЗА

Тарихий обида

Зурмала ёдгорлигининг устки қисми металлконструкция билан ёпилади

Сурхондарё вилояти Термиз туманидаги Зурмала буддавийлик иншооти 2-3 асрларга оид қадимий ноёб ёдгорлик саналади. У Эски Термизнинг шарқида жойлашган. Қадимшунослар олиб борган тадқиқотлар чоғида бу иншоот Кушонлар салтанати даврига оид буддавийларнинг ступаси экани маълум бўлган.

Термиз милодий 1-3 асрларда Марказий Осиёда буддавийликнинг марказларидан бири сифатида танилган. Шу боис кўхна бу кентда кўплаб буддавийлик ибодатхоналари барпо этилган. Зурмала ступасини қуриш учун 1 200 000 та 40x40x10 сантиметр ҳажмдаги хом гишлар ишлатилган. Бундан ташқари ступанинг ташқи томони оҳақтош ва юқори қисми тўқ қизил ранг берилган пишиқ гишлар билан қопланган. Ҳозирда ташқи қопламалар сақланмаган бўлса-да, унинг баландлиги 13 метр, диаметри эса 14,5 метрни ташкил этади. Утмишда унинг баландлиги 16 метрдан кам бўлмагани айтилади. Ступанинг тепаси гумбазсимон бўлиб, катта цилиндр шаклидаги қолдиқлари



кишини ўзининг маҳобати билан беихтиёр ҳайратга солади.

Ёдгорлик яқинида кўплаб тошли оҳақтош блоklar, мезморий безак ва рельефлар топилгани ҳам Зурмала ступаси ўз даврида тошли ва рельефли қопламага эга бўлган, дея хулоса қилишга асос бўлади. Археологларнинг таъкидлашича, гумбаз остида буддизмга оид муқаддас китоблар, ҳайкалча ва бошқа табарруқ нарсалар сақланган.

Дунё сайёҳларида катта қизиқиш уйғотаётган мазкур ёдгорлиқни авайлаб асраш ва асл ҳолида сақлаб қолиб, келгуси авлодларга етказиш учун унинг устки қисмини металлконструкция билан ёпиш мўлжалланмоқда.

Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ, ЎЗА

Халқаро ҳаёт

ЭНДИ НАВБАТ ИРОҚҚА

АҚШ президенти Жо Байден Ироқ Бош вазири Мустафо ал-Козимий билан учрашувда Ироқдаги Америка қўшинлари йил охиригача олиб чиқиб кетилишини маълум қилди. Жо Байденнинг фикрича, Ироқда ишлар яхши кетаётди. Шу боис, ушбу мамлакатда бундан кейин АҚШнинг роли керак бўлганда тайёр туриш, машғулотларни давом эттириш, ёрдам бериш ва ДЕАШ террорчилик ташкилоти билан мулоқот қилишдан иборат бўлади, холос. Байден, шунингдек, Ироқ ҳукумати билан ҳамкорликда октябрь ойида ўтадиган сайловларнинг адолатли ўтишини таъминлашга ҳаракат қилаётганини ҳам таъкидлади.





Сайлов
участкасида
семинар
ўтказилди

Жорий йил октябр ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтади. Шу боис, Марказий сайлов комиссияси томонидан 2021 йил 23 июлда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампанияси бошлангани эълон қилинган эди. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, жорий йилги Президент сайлови илк бора Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси асосида ўтади. Шу мақсадда жойларда муҳим йирик сиёсий жараёнга тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган. Унда Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлиб ўтадиган сайловга тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш бўйича эълон қилинган тадбирлар режаси доирасидаги барча тадбирларнинг белгиланган муддатларда ўтказилиши ва сайлов қонунчилигининг асосий принциплари ҳамда талабларига мос равишда ўтишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Навоий вилояти Кармана туманида ҳам сайловга пухта тайёргарлик кўриши, сайлов участкаларини белгиланган талабларга асосан жиҳозлаш, шунингдек, сайлов комиссияси участкаси аъзолари таркибини шакллантириш, муҳими, сайловни конституциявий қоидалар ва халқаро сайлов стандартларига биноан ўтказишга доир тадбирлар ўтказилмоқда. Тумандаги 21-умумтаълим мактабида ташкил этилган намунавий сайлов участкасида вилоят, туман масъул раҳбарлари ва фаоллари иштирокида ўқув-семинари бўлиб ўтди. Семинарда иштирокчиларга муҳим сиёсий жараён — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини уюшқоқлик билан шэфоф тарзда ўтказиш, хусусан, тадбирларга тайёргарлик жараёнидаги дастлабки амалга ошириладиган ишлар ҳақида масъуллар томонидан керакли тушунчалар берилди. Семинар сўнггида иштирокчилар намунавий сайлов участкасида сайловчилар учун яратилган шароитлар, яширин овоз бериш, болалар ва оналар, тиббиёт хоналарининг жиҳозланиши билан яқиндан танишиди. Бу каби тадбирлар вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида ташкил этилади.

ФОИЗСИЗ КРЕДИТЛАР ДАВРИ КЕЛДИ

Ушбу масала ечимига қанча кеч киришсак, шунча кўп йўқотамиз. Энг ёмони, фақат тизимга бўлган ишонччи эмас, ижобий ўзгаришларга ишлаши мумкин бўлган вақт бой берилади. Сир эмаски, дунёнинг энг тараққий этган ҳудудларида Исломий молия инновацион молиялаштириш тизимини ўзида мутасам этган соҳа сифатида жадал ривожланмоқда. Бугунгача 300 дан зиёд ислом банки ва молия муассасаларининг ялпи активлари 2,5 триллион доллардан ошиб, йилига 15-20 фоизга ўсаятигани ҳам бунга мисол бўлиши мумкин.

Ушбу тизим аънаваный банк-молия тизимининг муболиби сифатида Ислом ҳамкорлик ташкилоти аъзолари бўлмаган давлатларда ҳам тобора оммалашаятигани таъкидлаш жоиз. Ўтказилган сўровномалар, тижорат банклари, тадбиркорлар ҳамда илмий доираларда ўтказилган учрашувлар таҳлили эса бизда ҳам ушбу тизимга жуда катта қизиқиш борлигини кўрсатаётди.

Маълумки, Президент Шавкат Мирзиёев Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташкилоти ишлари вазири кенгаширининг 43-сессиясида «Ислом олами улкан иқтисодий, инвестицион салоҳият, энергетика ресурсларига эга. Улардан тўғри фойдаланиш, Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг халқаро савдо-иқтисодий, молиявий, инвестицион ҳамкорлигини кенгайтириш, мамлакатларимизни бирлаштирадиган транспорт йўллари ташкил этиш, юксак иқтисодий тараққиёт кўрсаткичларига эришиш имконини беради ва бу пировард натижада бошқа барча соҳаларнинг ривожланишида асос бўлиб хизмат қилади», — дея таъкидлаган эдилар.

Чиндан ҳам кўплаб молиячилар бугун юртимизда кечаётган туб ислохотлар даврида миллий молия секторини ривожлантириш, миллий иқтисодиётимиздаги ўсиш кўрсаткичларини янада яхшилашда исломий молиялаштириш муҳим ўрин тутишини, хусусан, қимматли қозғалар бозорини ривожлантиришнинг янги истиқболли йўналишларини жорий этиш, давлатнинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш, банк маҳсулотлари бозори ривожига сезиларли дара-

жада ҳисса қўиши мумкинлигини таъкидламоқдалар. Бас, шундай экан, исломий молиялаштиришга асосланган банклар, инвестиция фондлари ва компаниялар маблағини Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига, айниқса, хусусий секторга жалб этиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун эса, аънаваный молиялаштириш механизмлари билан бир қаторда шерикчиликка асосланган исломий молиялаштириш механизмларини жорий этиш лозим.

Маълумки, исломий молия фойда ва зарарни бўлиши ҳамда реал активларга асосланган молиялаштиришни кўзда тутди. Яъни, у шерикчиликка асосланади. Улар мижоз талаби билан объектни қуриб бериши, асбоб-ускуналар, товар-хомашёлар олиб бериши ёки уларни ижарага бериши мумкин. Молиялаштириш асосида эса савдо амалиёти ўтади.

Маълумки, замонавий банк тизимида банкларнинг савдо амалиётларини амалга ошириш қонунчилик нуқтаи назаридан мушкул бўлиб, бунга солиқ ҳамда банк фаолиятига тааллуқли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўсқинлик қилади.

Ушбу тизим иқтисодий инқироз юз берган пайтларда ҳам барқарор фаолият олиб борганини назарда тутсак, айни вақтда АҚШ ва Европанинг кўплаб давлатларида исломий молиялаш тизимининг асосий принциплари чуқур ўрганилаётгани сабабини англагандек бўламиз.

Шериклик асосидаги молиялаш тизими, шунингдек, дахлсизлик, шартнома мажбуриятларига риоя қилиш, тавakkалчиликларни, фойда ва даромадларни адолатли тақсимлаш, иқтисодий фаровонлик ва ижтимоий адолатнинг мувофиқлик тамойилларига ҳам асосланади. Ахлоқий меъёрларга риоя қилиш, ижтимоий адолат, қонун доирасида ҳаракат қилиш, маблағларни меъёрида сарфлаш ва монополиега қарши курашиш мазкур тизимнинг фундаментал асослари эканини ҳам таъкидлаш жоиз.

Шу ўринда, Исломий молиялаш тизимининг шаклланиши нафақат иқтисодий, балки ахлоқий, маданий ва диний соҳаларда ҳам жамиятда бойликларни тенг тақсимлашда ижтимоий адолатни кучайтиришга қаратилгани билан ҳам мутахассислар эъти-

борини тортмоқда. Шунинг учун ҳам ушбу тизим аънаваный кредитлаш тизими сингари бозор иқтисодиёти ҳамда ижтимоий-маданий қадриятларга тўла мос келади. Бугунги кунда Малайзия, Туркия, Англия, Швейцария, Франция, Қозоғистон ва ҳатто Қирғизистон иқтисодиётига

Шуни қайд этиш жоизки, айни пайтда ислом молияси кўплаб ривожланган мамлакатларда иқтисодий ўсишнинг асосий омилли бўлаётганини таъкидлаш лозим. Ҳаттоки, дунёвий давлат бўлса-да, аксарият фуқаролари насроний бўлган Буюк Британиянинг 20 дан ортиқ банкларида

иборат бўлади.

Агар биз фуқароларимизнинг маълум бир қисми диний эътиқодидан келиб чиққан ҳолда банк хизматларидан фойдаланишни истамаётганини инобатга олсак, Исломий молиялаштириш тамойилларига асосланган банк хизматлари ана шу қатлам омонатларини иқтисодиётга жалб этиш, улардан эса оқилона фойдаланиш учун катта имконият яратади. Шу йўл билан «захирадаги» ички инвестицияларни иқтисодиётимизнинг ўсиши ва ички инвестиция ҳажмининг ортишига жалб қилиш, хуфёна иқтисодиёт салмоғини эса камайтиришимиз, энг муҳими, тадбиркорликни ривожлантиришимиз мумкин бўлади.

Ислом молияси маҳсулотларидан фойдаланиш учун амалдаги банк қонунчилиги, солиқ ва фуқаролик кодекслари ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш ёки алоҳида қонун қабул қилиш лозим. Шунингдек, бу соҳада кадрларни тайёрлаш ва аҳолининг савдо-хонлигини ошириш ҳам муҳим.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, айнан исломий молиялаш тизими аҳоли қўлидаги бўш маблағларни реал иқтисодиётга жалб қилиш орқали иқтисодиёт, тижорат ва аҳоли фаровонлигини сезиларли даражада фаоллаштиришга қўшимча имкон яратади. Шунингдек, ушбу тизим банк-молия соҳасида соғлом рақобатга ҳам йўл очади.

Ислом молияси текинга пулни тарқатадиган хайрия ташкилоти эмаслигини, бу айни пайтда диний ташкилот ёки фақат мусулмонларга хизмат кўрсатувчи молия муассасаси эмаслигини ҳам яхши билемиз. Айрим иқтисодчилар ушбу тизим ўзига хос афзалликлар билан бирга хатарларга эга бўлган молиявий институт эканини унутмасликка ҳам чақиряпти. Аммо халқимизда чумқудан қўрққан тарикъ экмайд, деган гап бор. Яъни, ҳар қандай шароитда ҳам молиявий институтлар сафининг кенгайиши банк-молия соҳасида соғлом рақобатнинг кучайишига ва иқтисодий фаоллашувга олиб келади.

Фарҳод ЗАЙНИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати

Абдували БҮРИЕВ,
УЗА

Халқаро тажрибадан келиб чиқиб, мамлакат молия бозорида ислом молияси тизимини кенг жорий қиламиз.

ушбу тизим жадал кириб бормоқда.

Мамлакат банк тизими ва молиячилар зиммасига юклатилаётган вазифалар эса бизда ҳам ушбу тизимни жорий этиш учун ҳуқуқий асослар яратиш пайти келганини кўрсатапти. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистон иқтисодиётига қўшимча капитал ва инвестициялар кириб келиши ҳамда муқобил молиялаштириш механизмининг тақлиф этишга ҳам имкон яратади.

Бунинг учун эса аънаваный молия тизимига муқобил равишда ислом молиясини жорий этишга қаратилган қонунчилик асослари яратилиши лозим.

мижозларга ислом молияси маҳсулотлари ва хизматлари тақлиф қилинмоқда.

Исломий молиялаш аънаваный молиялаштиришдан фарқли равишда фойда ва зарарни бўлиши ҳамда реал активларга асосланган молиялаштиришни ўзида намоян қилади. Шунингдек, Ислом молия тушунчасида тўлаб бориш йўли билан активларни харид қилиш, яъни ижара тўлов шартлари орқали активларни ўзлаштириш кенг қўлланилади. Ушбу тизимда пулни фойз эвазига қарз бериш тақиқланади, фойдаси хизматлар учун келишилган тўловлар ёки шерикчилик асосида олинган фойдадан

Таълим тизими

Мақтабга ўқитувчилар имтиҳон асосида ишга қабул қилинмоқда



Самарқанд шаҳридаги янги аҳоли пункти - Қорасув массивида жорий йилда 1600 ўринли янги мактаб қурилган эди. 2021-2022 ўқув йилидан ўз фаолиятини бошлайдиган мазкур - 81-умумий ўрта таълим мактабида ишлаш истагида бўлган ўқитувчилар кўплиги сабабли уларни танлов

асосида ишга олишга қарор қилинди. - Дастлаб бизга мурожаат қилганлар сони 944 нафар эди, - дейди мактаб директори Аловуддин Очилов. - Улар орасидан энг билимли ўқитувчиларни саралаб олиш мақсадида ish.uzedu.uz сайти орқали рўйхатдан ўтиш ҳақида эълон бердик.

Талабгорлардан 681 нафари рўйхатдан ўтди. Самарқанд давлат университетининг физика факультетида талабгор ўқитувчилардан туст синовлари асосида имтиҳон олинди. Имтиҳонни Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги таълим сифатини назорат

қилиш вилоят ҳудудий бошқармаси ташкил этди. Ҳозирча 681 нафар талабгордан энг юқори балл тўплаган 97 нафар ўқитувчи мактабга ишга қабул қилинади. Кейинроқ яна эҳтиёж бўлса, қолган талабгорлардан ҳам ишга олишимиз мумкин. Мактабга математика фанидан 54,

информатика фанидан 32, физика фанидан 29, кимё фанидан 26, биология фанидан 54, география фанидан 24, рус тили ва адабиёти фанидан 15, она тили ва адабиёт фанидан 68, инглиз тили фанидан 106, бошланғич таълимдан 87 нафар педагог ҳужжат топширган эди. УЗА



Айрим манбаларда эса тиббиёт ходимларининг интернетдаги ахборот оқими одамлар соғлиғига жиддий шикаст етказётгани хақидаги хабарлари аҳолининг «ижтимоқ»лардан қайтишига сабаб бўлаётгани таъкидланмоқда...

ЭЪТИРОФ

ОЛИМ ҲАҚИДА СЎЗ



«Киши исмига тортади» деган ҳикмат бор ҳалқимизда. Илмдаги ҳалол меҳнати, фидоилиғи ва ўз соҳасига садоқати уни жаҳонга машҳур қилди. Шухрат Сирожиддиновнинг Озарбайжон Фанлар академияси фахрий доктори, Оксфорд Ислоҳат тадқиқотлари маркази фахрий аъзоси (Буюк Британия), Маркази Осиё тадқиқотлари Халқаро ассоциациясининг ҳамраиси (Корея), Евроосиё туркий тадқиқотлар институти илмий маслаҳатчиси (Корея) экани, шунингдек, «Туркология» журналу (Озарбайжон), «Киёсий адабиётшунослик» журналу (Озарбайжон), «The Journal of Eurasian Turkic Studies» журналу (Корея) ва кўпсан-кўп маҳаллий журналларнинг таҳририят аъзоллиги ҳеч шубҳа йўқки, исми жисмига монанд олимнинг салоҳияти даражасини кўрсатади.

Шу ўринда таниқли навоийшунос олимнинг чекига Алишер Навоий ҳазратларининг таржимаи ҳолини тиклашдек масъулиятли, айна пайтда, жуда долзарб вазифа тушганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Қўлёзма манбаларни тадқиқ этиш игна билан қудуқ қазиш билан баробарлигини соҳа вакиллари яхши билишади. Мен буни химик ва физикларнинг тажриба усулига ўхшатаман. Ишлатилган ҳар бир сўз, топилган ҳар бир маълумот исбот талаб этади. Демак, матншуносликда бир янги сўз айтиш учун қанчадан-қанча маълумотларни текшириб, қиёслаб чиқиш керак. Бу айтишга осон.

Маълумки, қўлёзмалар турлича савияда кўчирилади, биронта нуқта тушиб қолса борми, сўз маъноси ўзгариб кетади. Бундай ҳолатлар эса, қўлёзма манбаларда жуда кўп учрайди. Муаллиф айнан нимани кўзда тутиганини билиш ва сўзининг асл ҳолатини тиклаш тадқиқотчидан улкан сабр, матонат ва билимдонликни талаб қилади. Бир сўз устида соатлаб ўтириш, сон-саноксиз китобларни титиш кўз нури ва вужуд қувватига қанчалик салбий таъсир кўрсатишини гапирмай қўя қолайлик.

Шухрат Сирожиддинов ўзининг «Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типология, текстология таҳлил» номли тадқиқотида 300дан зиёд қўлёзма манбаларни синчиклаб ўрганиб чиққан, уларни солиштирган, оригинал маълумотларга эга 100га яқин қўлёзма манбани таҳлил қилган. Иккинчидан, мумтоз матнлар билан шуғулланган олим бирварақайга бир неча соҳанинг пухта билимдони бўлиши зарур. Олим матн яратилган хоризжий тилни яхши билиши, агар бу ўрта асрларга оид

форс тилидаги адабий-фалсафий ёки тарихий манба бўлса, яхши адабиётшунос бўлиши, фалсафани, ислом илмларини, тарихни ва яна бир муҳим жиҳати, яхши таржимон бўлиши лозим. Зеро, мумтоз адабиётлар, қайси соҳага тааллуқли бўлмасин, шу илмлардан холи бўла олмайди. Шухрат Сирожиддиновда ана шундай фазилатларнинг барчаси мужжасам. Шу жиҳатдан унинг илмий асарларини нафақат навоийшунослик, балки бадий таржима соҳасига ҳам, фалсафага ҳам, диний-тасавву-

лиги соҳасини уйғун ривожлантиришга бағишламоқда. Унинг ушбу соҳада ўз илмий мактабини яратгани эса шубҳасиз таҳсинга сазовор. Олим етакчилигида филология фанлари бўйича тайёрланган фан докторлари – DSc (4 нафар), фалсафа докторлари – PhD (10 нафар) ва магистрлар (40 дан зиёд), қатор монографиялар, дарсликлар ҳамда ўқув адабиётларига берилган тақризлари ҳам фикримизга далил бўлиши мумкин. Бундан ташқари, ҳозирда унинг шогирдлари навоийшунослик, мумтоз ада-

“Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов тўғри таъкидлаганларидек, «Талант – халқ мулки. Албатта, талант табиатнинг нодир инъоми, уни йўқдан бор қилиб бўлмайди. Табиат талантни бир одамга ато қилса ҳам, талант фақат уники эмас, бутун халқники...»

бий соҳага ҳам, тарихга ҳам тегишли бўлган тадқиқотлар ташкил этади. Унинг 300 дан ортиқ илмий ишларида, жумладан, 15 та дарслик ва ўқув кўпланмаси, 13 та монографиясида адабиётшунослик, диншунослик, фалсафа ва таржимачиликнинг турли назарий ҳамда амалий масалалари теран таҳлил асосида ёритиб берилган. Айна пайтда ушбу қамровдор фаолият ҳосили бўлган илмий натижалардан тадқиқотчилар ва талабалар кенг фойдаланиб келмоқдалар.

Бугунги даврда филология фанлари доктори, профессор Ш.Сирожиддинов бор илмий материалларини чоп этиш учун тендер эълон қилади:

биётшунослик, қиёсий адабиётшунослик ва таржимачилик соҳасининг долзарб муаммолари бўйича муваффақиятли илмий тадқиқотлар олиб боришмоқда.

Шухрат Сирожиддиновнинг олим сифатидаги яна бир ютуғи унинг бир неча шарқ ва европа тилларини билишидир. Ушбу тилларда бемалол ўқийди, ёзади ва таржима қилади. Халқаро миқёсда илмий ишлари натижаларини чоп этади. У ватанпарвар олим ва педагог сифатида Ўзбекистонда филология фанининг ривожланишига, жаҳон андозаси талабларига мос келадиган илмий ва педагогик кадрлар тайёрлашга ҳам жуда катта ҳисса қўшиб келаётир.

Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов тўғри таъкидлаганларидек, «Талант – халқ мулки. Албатта, талант табиатнинг нодир инъоми, уни йўқдан бор қилиб бўлмайди. Табиат талантни бир одамга ато қилса ҳам, талант фақат уники эмас, бутун халқники...»

Ҳар қандай тугма талант ҳам уруғдай гап, холос. У униб чиқиб ҳосил бериши ҳам мумкин, кўкариб, барг ёзишга улгурмай, нест-нобуд бўлиб кетиши ҳам. Уруғ униб ҳосилга кириши учун эса ер, сув, қуёш ва офтоб зарур; ўсиб-униб вояга етиши ва кўпчилики баҳраманд этадиган самара бериши учун ҳам муайян шарту шариит, басаришта парвариш керак. Қаровсиз қолса, кўкариб турган дарахт ҳам қуриб қолиши муқаррар. Парвариш бўлмаса, балоғатга етиб, яшнаб турган талант ҳам қовжираб қолиши мумкин».

Улуғ адибнинг ушбу доно сўзлари, жумладан, моҳир педагог Ш.Сирожиддиновнинг табиатида ўз исботини топган десак муболаға бўлмайди. У оқибатли ва танти дўст, меҳрибон устоз сифатида ёшларни ўз қаноти остига олиб, уларнинг илмий-тадқиқот бо-

расида олиб бораётган изла-нишларига шариит яратиб, ўз мутахассисликларига бўлган қизиқишларини орттиришга кўмак бериб келмоқда.

Улуғ ёшида халқимиз фаровонлиги ва юртимиз раванга йўлида ҳам улугвор ишлар бошида турган улкан олим бугунги кунда ҳам жигаргўшалари, содиқ дўстлари, шогирдларига самимий муносабатда бўлиб, адабий манбашунослик ва матншунослик соҳасида янгидан-янги илмий асарлар яратиш ва Ватанимизга садоқатли юқори малакали илмий ҳамда педагог кадрлар тайёрлаш завқи билан яшамоқда.


Азиз биродаримиз, юксак маънавиятли инсон, филология фанлари доктори, профессор Шухрат Сирожиддиновга узок умр, янада жўшқин ва сермаҳсул илмий ҳамда педагогик фаолият, янгамиз билан фарзандлари бахтини қуриб яшашни Оллоҳдан сўраймиз.

Дўсмамат ҚУЛМАМАТОВ,
Филология
фанлари доктори,
Ўзбекистон давлат Жаҳон
тиллари университети
профессори

Ахборот тарқатиш тизимлари ва оммавий коммуникациялар ҳар қанча ривожланмасин, аҳолининг асосий қисми газета ва журналлар ўрнини босувчи муқобил восита йўқлигини таъкидлашдан эринмаяпти.

Айрим манбаларда эса тиббиёт ходимларининг интернетдаги ахборот оқими одамлар соғлиғига жиддий шикаст етказётгани хақидаги хабарлари аҳолининг «ижтимоқ»лардан қайтишига сабаб бўлаётгани таъкидланмоқда... «Миллий тикланиш» ижтимоий-сиёсий газетаси ҳам анъанавий матбуот вакиллари билан бир сифатида ўз саҳифаларида энг сўнги янгиликлар, давр нафаси ҳамда партиянинг дастурий мақсад ва вазифалари моҳиятини ўқувчига етказишга ҳаракат қилаяпти. 14 июлдан бошлаб эса нашр обуначилари сони 25 мингдан ошди. Айна пайтда таҳририят турли вазирлик ва идоралар, аҳоли зич ҳудудлар, ҳатто метро «линия»ларига 106 та газета-стеллажларини ўрнатиб, аҳолига бепул газета тарқата бошлади.

Партиянинг Навоий вилояти Кенгаши томонидан ҳам газетанинг ҳар бир сони фаол партия аъзоларига, БПТлар ҳамда вилоятдаги 54 та йирик ташкилотга етказиб берилмоқда. Ҳатто «Миллий тикланиш» газетаси воҳа марказидан 200 километр узоқда жойлашган Зарафшон шаҳри, 270 километр олисдаги Томди ва 300 километр йироқдаги Учқудуқ туманларига ҳам етиб борапти. Узига хос рақобат ҳукм сура бошлаган ахборот маконида бундай услублар биринчи марта «Миллий тикланиш»чилар томонидан қўлланилаётгани партия мафкурачиларининг анчайин узоқни кўраётганларидан далолатдир. Аммо таҳририят ходимлари бундай «қадам»лар сайловолди тарғиботининг дастлабки «сюрприз»лари эканини таъкидламоқдалар. Демак, кутамиз!



✓ Эълон


Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси ҳамда «Миллий тикланиш» газетаси куйидаги тарғибот материалларини чоп этиш учун тендер эълон қилади:

1. Партия рамзи туширилган блокнот, ўлчами А6, муқоваси, 270 гр/м.кв, картон, ранги 4+0, ички блоки 80 гр/м.кв офсет қоғози, ранги 1+0, 40 вароқ, темир пружинали переплёт, миқдори – 5 000 дона.
2. Партия рамзи туширилган блокнот, ўлчами А5, муқоваси, 270 гр/м.кв, картон, ранги 4+0, ички блоки 80 гр/м.кв офсет қоғози, ранги 1+0, 40 вароқ, темир пружинали переплёт, миқдори – 5 000 дона.
3. Партия рамзи туширилган ручка, миқдори – 5 000 дона.
4. Партия рамзи туширилган пакет (қоғоз) ўлчами 250x350x70см 210 гр/м.кв картон, ранги, 4+0, жилоли ламинация билан, миқдори – 5 000 дона.
5. Партия рамзи туширилган А4 папка, қоғози 300 гр/м.кв, ранги, 4+0, миқдори – 5 000 дона.

Мурожаат учун телефон:

71-277-60-73

✓ Кутинг!



...бунақада Алишер
Ходжаевнинг ўзи ҳам
ЎзТВдан кетиб қолади

Калгуси сонларда

КАНАДАЛИК ДЕПУТАТЛАР ДАН ЎРГАНСАК БЎЛАРКАН

Ўзбекистон Республикасининг «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддасига мувофиқ, депутатнинг вақти-вақти билан, лекин ишлага камидан тўрт марта ўз фаолияти тўғрисида сайловчиларга ахборот бериши белгиланган.



Аммо депутатнинг «календарь режа»сида ўз сайловчилари билан учрашувлари кам белгилангани, барча сайловчиларга ҳам амалга оширган ишлари тўғрисида ахборот беришга имкони йўқлиги сабаб кўпчилик фуқароларимиз депутатлар фаолиятдан беҳабар бўлиб қолмоқдалар. Айниқса, пандемия бошланганидан бери депутат ва сайловчилар ўртасидаги алоқалар янада сийраклашди.

Натижада аҳоли ўртасида «депутатимни танимайман», «депутат бизни маҳаллага бирор марта ҳам келгани йўқ», «сайловолди ваъдаларини бажармаяпти» каби адолатли фикрлар билдирмоқда.

Яқинда айтиш мумкин бу масалада депутат учун ҳам, сайловчи учун ҳам фойдали бўлган халқаро тажриба таҳлил этилган бир мақолага кўзим тушиб қолди.

Мақолада қайд этилишича, Канаданинг Калгари шаҳар кен-

гашига сайланган депутатлар ўз сайлов округидаги сайловчиларга почта орқали йиллик ҳисоботларини юборар эканлар. Мисол учун буклет шаклига келтирилган ҳисоботда депутат Диана Колли-Уркухарт хоним шаҳар кенгаши депутати сифатида амалга оширган ишлари ва келажақдаги режалари ҳақида ёзган.

Навбатдаги буклет эса, Калгари шаҳридан Канада парламенти-га сайланган депутат Стефани Кузига тегишли бўлиб, у ҳозирда Канадада қовид туфайли иммиграция ҳужжатларини олиш жуда суғина кетганини ва кимдаки иммиграцияга чиқиш учун ҳужжат топширган бўлса, Кузи хонимга мурожаат қилишини ва депутат бу масалада амалий ёрдам кўрсатишини билдирган. Энг қизиғи, ҳисоботга қўшиб тайёр конверт ҳам юборилар экан. Буни ҳам сайловчиларнинг ўз фикрларини

ёзиб юборишлари учун яна бир қўлайлик, дея баҳолаш мумкин.

Ёдингизга тушган бўлса, миллий тажрибамизда ҳам сайловолди жараёнларида сайловчиларга шу каби буклетлар тарқатиларди. Аммо уларда депутатликка номзод ва унинг келгусидаги режалари, уни қўллаб овоз беришга чақириқлар акс эттириларди, холос. Назаримда, нафақат сайловлар арафасида, балки кейинги сайловларга ҳам депутатларимиз канадалиқлар тажрибасини қўлласалар бўларкан.

Зеро, шу йўл билан ҳам сайловчи ўз депутати ва унинг фаолиятдан хабардор бўлиб туради. Агар шундай тажриба оммалашса, бу депутатнинг ўз сайловчиларига бўлган ҳурматини ҳам намойён қилган бўларди.

Дониёр ТОШБОВЕВ,
журналист

НИКОС АНАСТАСИАДИС НЕГА ҲАЗАБЛАНЯПТИ?



Кипрнинг Туркия назоратидаги Фамагуста шаҳрида 46 йил мобайнида ёпиқ саналган Вароша мавзесининг яна бир қисмини очишга рухсат берилиши Кипрнинг Юнон бошқаруви маъмуриятини ғазаблантирди, дейиш мумкин. Буни Кипр раҳбари Никос Анастасиадиснинг Кипр туркларига қарши санкциялар қўллаш бошлагани,

жумладан, Кипр Республикаси паспортига эга турклар паспортини бекор қилиш эълон қилинганидан ҳам сезиш мумкин. Маълум бўлишича, Туркия етакчиси Ражаб Тоййиб Эрдоған 20 июль куни ёпиқ Варошани очиш қарорини эълон қилиши билан Кипр Рум маъмурияти маҳаллий туркларга нисбатан қатор тақиқлар қўйилишини маълум қилган.

«ТОЗА ҚЎЛЛАР» ҚЎЛГА ОЛИНДИ



Ватикан судида бир гуруҳ давлат амалдорларининг коррупцияга оид жиноий иши кўриб чиқилди. Улар орасида 2011-2018 йилларда Ватикан давлат котиби вазифасини бажарувчи бўлиб ишлаган кардинал Анджело Беччу ҳам бор. Рим Папаси Френсис ўтган йилнинг сентябрь ойида Беччунин коррупцияда айбоб, уни лавозимидан четлатган ва барча ваколатларидан маҳрум қилган эди. Шу ўринда, Беччунинг Ватикан тарихида молиявий жиноятлар учун суд қилинган биринчи кардиналга айланганини айтиш жонз.

Ўзлаштириб юборган. Судланганлар орасида Беччунин руҳсати билан Ватикан номидан «разведка» фаолияти учун юз минг евро олган Сесилия Марогнанинг ҳам борлиги айтилмоқда. Таъкидлашнича, Марогна Африкадаги католик миссионерлари химояси учун олган пулларини ҳам ҳашамат учун ишлаб юборган. Айбланувчилар қаторида, шунингдек, Ватиканнинг Жиноий фаолиятдан олинган даромадларини легаллаштиришга қарши кураш агентлигининг собиқ директорлари Рене Брюлхарт ва Ди Руцца ҳамда Ватиканнинг инвестиция буйича менежери Энрико Кассо каби юқори даражадаги расмийлар ҳам борлиги айтиляпти. Италия матбуоти бу жиноий тўдани Ватиканнинг «Тоза қўллар»и дея номлади.

✓ Худудий кенгашларда

ЛОҚАЙДЛИК

КЎЧАСИДАН ЧИҚИШНИНГ ИЛОЖИ БОРМИ?



Самарқандлик партия-дошларимизнинг фикрича, шундай имконият бор. Фақат натижага эришиш учун фуқаролик назоратини кучайтириш керак.

Депутатларимиз томонидан Регистрон кўчаси 11-уйда жойлашган «Дон корлеоне» МЧЖга қарашли «Лабигор» умумий овқатланиш шохобчаси фаолияти ўрганилганда, бу ерда ишлаётган 13 кишининг атиги 6 нафари рўйхатдан ўтгани, ишчи-ҳодимларнинг шахсий тиббий дафтарчалари йўқлиги аниқланди. Бунинг устига ишчи-хизматчилар қўлқоп, санитария кийимлари, тиббий ниқобларсиз фаолият юритмоқда.

«Самарқанд Сиёб савдо» комплекси унитар корхонаси худудидаги «Фаол плюс» МЧЖга қарашли ошхонада ҳам 4 нафар ишчининг махсус кийимлари, тиббий дафтарчалари йўқлиги маълум бўлди. Ошхонадаги санитария ҳолати ҳам қониқарсиз, идиш-товокларни ювиш учун эса шароит яратилмаган.

Тадбиркор Ш.Қаюмовга тегишли «Прожект левол АП» МЧЖ ошхонасида ҳам 5 киши ишларкан. Аммо улар тиббий куриқдан ўтишмаган, ошхона махсус кийим ва жиҳозлар билан таъминланмаган, санитар ҳолати эса қониқарсиз.

«Ансор шанс» оилавий корхонасига қарашли умумий овқатланиш шохобчаси ишчилари ҳам махсус кийим-бош билан таъминланмаган, тиббий куриқ хулосалари мuddати ўтган. Энг ёмони

ҳатто ошпазлар ҳам пандемия талабларига риоя қилмай ишлашмоқда.

«Самарқанд ипак йўли» МЧЖ савдо мажмуаси фаолияти ўрганилганда эса «Моҳи Тобон» МЧЖ, «Нурафшон компания» МЧЖ, «Кулиев Аслам» ЯТТ, «Маджидова Гулнора Исмаилова» ЯТТ, «Узакова Дилафруз Шокировна» ЯТТ, «Набираева Рухсона» ЯТТ савдо дўконларида банк терминаллари, назорат касса машиналари ҳамда истеъмолчилар бурчаги мавжуд эмаслиги аниқланди.

Шунингдек, 10, 50, 57, 58, 60, 69, 95, 96, 97, 100, 101, 103, 106, 107, 108, 109, 110, 111, 113, 157, 167, 310, 311, 322, 327, 332, 333, 389, 390, 428, 463, 599-сонли савдо дўконларида истеъмолчилар учун махсус бурчақлар ташкил этилмаган.

«Баҳор» МЧЖ биносининг 1-қаватида жойлашган «Персона», «Гулсара Абдугаффарова» ЯТТ кийим-кечак дўконлари, «Эдем» савдо дўкони, «Shohrux Saidov 777» МЧЖга қарашли кийим-кечак дўкони, «Ғайрат Аҳатов» ЯТТ болалар кийимлари дўкони, «Ду чинор» қаҳвахонаси ҳеч қандай ҳужжатларсиз иш олиб бормоқда.

Урганишлар жараёнида «Парфюм офмакон» салқин ичимликлар тайёрлаб сотиш шохобчасида вояга етмаган, Самарқанд шаҳридаги 53-умумий ўрта таълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Тўхтамурод Рашидов ҳеч қандай ҳужжатларсиз савдо қилаётганлиги аниқланди.

«Бebetто», «Шонка», «Ас-ророва Иршода Акрамовна» ЯТТ, «Уринбоева Матлуба Абдуганиева» ЯТТ, «Адоре-бутик» МЧЖ савдо дўконларида эса банк терминаллари, назорат касса машиналарисиз савдо қилиняпти.

«Сиёб деҳқон бозори» МЧЖ худудидаги ЯТТ «Файзиёв Алижон Ақобирович»га тегишли 91-сонли савдо дўконидида озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари қуёш нури тўғридан-тўғри тушадиган жойда сақланиб, савдо қилиниши оқибатида 3 донга ҳаво тозалашга (освижител)нинг портлашига гувоҳ бўлди.

Алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган яна бир жиҳат: бу бозорлар ва савдо шохобчалари атрофидаги автотураргоҳлардаги муаммолардир. Автотураргоҳларнинг камлиги, мавжудлари ҳам ачинарли аҳволда экани ҳозирча ҳеч кимни хусусан, шаҳар ҳокимлиги мутасаддиларини ташвишлантирмаётган кўринади.

Юқоридаги ҳолатлар эса Самарқанд шаҳридаги бозорлар ва савдо мажмуалари раҳбарларининг ўз фаолиятларини қайта кўриб чиқишлари лозимлигини кўрсатаяпти. Агар ушбу камчиликлар зудлик билан бар-тароф этилмас экан, туризм маскани бўлган Самарқанд сайёҳларда салбий таассурот уйғотиб қўйиши муқаррар.

Ёлқин ОҚБЎТАЕВ,
партиянинг Самарқанд вилояти Кенгаши матбуот котиби

ДЕПУТАТЛАР ҚАРОРИ ҚАТЪИЙ: ТАДБИРКОРГА ЁРДАМ БЕРАМИЗ

Аввал хабар берганимиздек, «Миллий тикланиш» демократик партияси депутатлари жойларда уйма-уй юриб, аҳоли муаммоларини ўрганмоқдалар. Яқинда партиянинг вилоят Кенгаши раиси ўринбосари Алимардон Раҳматов етакчилигида Яқкабоғ тумани Кенгаши ходими Хуршид Сафаров ҳамда туман Кенгаши депутатлари Анвар Хўжакулов ва Сайёр Муҳаммадиевалар Яқкабоғ туманининг Оқтош маҳалласида бўлиб, фуқаро Зиёдулла Мейлиевнинг мурожаатини муҳокама қилди.

Маълум бўлишича, ушбу фуқарога аввал ҳам туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи аъзолари томонидан 25 миллион сўм миқдоридида имтиёзли кредит олишда амалий ёрдам кўрсатилган экан. Зиёдулла Мейлиев ушбу маблағ ҳисобидан зарур технологиялар харид қилиб, ўз уйда мебель ишлаб чиқаришни йўлга қўйган.

Тадбиркор эндиликда эшик-ромлар ҳам ишлаб чиқаришни режа қилганини, бунинг учун эса унга 70-80 миллион сўм миқдоридида банк кредити зарурлигини айтибди. Тадбиркор эришган натижалар обдон таҳлил этилгач, депутатлар ушбу масалада Зиёдулла Мейлиевга ёрдам бериш лозим, деган қарорга келишибди.

Шаҳноза ҚАХҲОРЗОДА,
партиянинг Қашқадарё вилоят Кенгаши матбуот котиби

2009 ЙИЛДАГИ ҲОЛАТ ЯХШИРОҚ ЭДИ...

БМТ Афғонистонда авж олаётган ҳарбий тўқнашуларда ҳалок бўлган ва жароҳат олганлар сони биринчи ярим йилликда рекорд даражага етганини эълон қилди. Маълумотларга кўра, жорий йил ушбу мамлакатда 1600 нафардан зиёд тинч аҳоли қурбон бўлган. Бу

ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 47 фоизга кўпдир. Энг ачинарлиси, ҳалок бўлганларнинг 32 фоизини болалар ташкил қилган. Шу ўринда, май ва июнь ойларидида қайд этилган ўлимлар сони 2009 йилдан бери қайд этилган кўрсаткичлардан анча юқори экани айтилмоқда.

Соҳиба СОЛИЕВА тайёрлади.

ХОТИРА

эди. Бироқ, кўп ўтмай, хусусан, 2009-2010 йилларга келиб яна бош кутаришди ва фаоллашиб қолишди. Натижада, вазият оғирлигича қолмоқда. Афғонистон ҳудудининг қарийб ярмини толиблар ўз таъсирига олди. Мамлакат уездларининг 30 фоизига яқини айни пайтда улар назоратида турибди.

АҚШ толибларга қарши кураш операциясини ниҳоясига етказганидан сўнг Афғонистонда гиёҳванд моддалар ишлаб чиқариш ҳажми кескин ошди. Бугун айтиш мумкинки, Европа мамлакатлари Афғонистонда етиштирилган гиёҳванд моддаларнинг жаҳон бозорига, аҳолиси эса унинг қурбонига айланмоқда. 2006 йили Афғонистонда 6100 тонна опиум етиштирилган бўлса, 2007 йилда бу рекорд кўрсаткичга етди – 8000 тонналик «марра»ни эгаллашди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотиغا кўра, Европада тарқатилётган гиёҳванд моддаларнинг 90 фоизи Афғонистонда етиштирилган. Айтиш мумкинки, Афғонистон дунёда опиум ишлаб чиқариладиган йirik макон ҳисобланади. 2008 йилнинг ўзида 157 минг гектар опиум майдонлари бузиб ташланди. Бу умумий майдоннинг 22 фоизини ташкил этади. Натижада, ушбу захри қотил 2007 йилга нисбатан 31 фоизга камайди ва юқорида келтирилган рекорд кўрсаткич 5500 тоннагача тушди.

Бироқ, бу қувончли воқеа эмас. Чунки, захри қотилнинг минглаб тоннаси эмас, бир граммининг мавжудлиги ҳам ўзини оқламайди. Афғонистонни инсониятга қирон келтирувчи моддаларни етиштиришдан буткул халос этиш умумдунёвий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Расмий ҳукумат ва халқаро ташкилотлар гиёҳванд моддалар ишлаб чиқаришга қарши қатор чора-тадбирлар куришмоқда. Бироқ, толиблар ва бошқа расмий ҳукуматга қарши гуруҳларнинг фаол кучгайратилиши туфайли ушбу захарли маҳсулот ҳамон ишлаб чиқарилимоқда.

Афғонистонда толибларнинг асосий даромад манбаи гиёҳванд моддалар ҳисобланади. Улар биргина 2008 йилда гиёҳванд моддалар сотишининг ўзидан 470 миллион доллар даромад қилишди. Мамлакатда бекарорликнинг мавжудлиги, умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқий метёрларга кўп равишда риоя қилинмаётганлиги, кучли бошқарув механизмнинг йўқлиги, коррупциянинг кучайиб кетганлиги гиёҳванд моддалар ишлаб чиқаришга қарши кураш самарасини тобора камайтирмоқда.

Афғонистонда ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг ночорлигидан, қуролли тўқнашувлар ва қон тўкишларнинг давом этаётганлигидан қатъий назар аҳоли ўсиш даражаси жуда юқориликча сақланмоқда. Бу борада Афғонистон дунёда 5-ўринни эгаллайди. Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир онага қарийб етти бола тўғри келмоқда. Кўпболалилик борасида жаҳонда 4-ўринни эгаллайди. Афғонистонда туғилаётган ҳар 1000 нафар чақалокдан 247 нафари вафот этмоқда. БМТ маълумотларига кўра, бу борада Афғонистон дунёда биринчи ўринда туради. Уртача умр кўриш даражаси 44,6 ёшни ташкил этади ва дунёда 214-ўринни эгаллайди. Аҳолининг маълумотлилик даражаси эркаклар ўртасида 43 фоизни, аёллар ўртасида эса 12 фоизни ташкил этади.

Афғонистондаги мураккаб ижтимоий-иқтисодий вазият фақат Афғонистоннинг ўзининг муаммоси эмас. У ерда террорчилик ҳаракатларининг изчил давом этаётганлиги, мамлакатда хунрезликларнинг тўхтатилмаётганлиги, ислом радикалларининг ғайриинсоний ва ғайриинсоний хатти-ҳаракатларининг фожи-

ли давом этаётганлиги бутун дунёни ташвишга солмоқда. Ўзбекистон эса яқин кўшни сифатида Афғон фожиасини бутун моҳияти билан чуқур тушуноқда ва ўз вақтида баҳоламоқда.

Ўзбекистон – Афғонистон ҳамкорлиги узок тарихга эга. Бизнинг қадимий маданиятимиз, яқин кўшничлик муносабатларимиз, турмуш тарзимиздаги ўхшашликларнинг мавжудлиги, урф-одатлар, анъаналар ва диний ақидаларимизнинг уйғунлиги бунга гувоҳ. Бироқ, тарихий тақдир маълум чегаралар туфайли бизни ажратиб турибди. Гарчи ҳар икки давлат бир-бирининг суверенитетини, мустақил тараққиёт йўлини тан олиб, уни чуқур ҳурмат қилса-да, бир-биримизга бефарқ эмаслигимизни, бир-биримизнинг ютуқларимиздан манфаатдор эканлигимизни ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Буни Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев кўп марта таъкидламоқда. Жумладан, БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида ҳам «Афғонистон масаласи глобал миқёсдаги масалалар марказида бўлиши лозим. Халқаро ҳамжамиятнинг саъй-ҳаракатлари, биринчи навбатда, Афғонистондаги ўткир ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга қаратилмоғи керак», – деди.

Ўзбекистон раҳбари ўзининг ушбу сиёсий концепциясини «Марказий ва жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар» мавзусида бўлиб ўтган халқаро конференцияда давом эттирди. Афғон муаммоси ҳақида гапирар экан, «Афғон замирида кўпдан буён кутилмаётган тинчликка эришиш учун мижозларни сиёсий йўл билан ҳал этиш ва бу жараён халқаро ҳамжамият томонидан ҳар тарафлама қўллаб-қувватланиши принциплар муҳим аҳамиятга эга», деди. Дарҳақиқат, афғон мижозлари фақат уларнинг ички муаммоси бўлмай қолди. Чунки, бу ўлка геосиёсий нуқтаи назардан Марказий ва Жанубий Осиё давлатларини бир-бирига боғлаб турадиган жуда катта транспорт-коммуникация имкониятига эга бўлган макон. Биргина Афғонистондаги бекарорлик бир неча ўнлаб давлатлар иқтисодий, савдо ва маданий айирбошлаш ишига катта зарба бермоқда. Бутун Осиё минтақаси тараққиётга салбий таъсир этмоқда. Бундай узлуқсиз, давомли мижозлари ташкил этиб, бошқариб, йўналтириб турадиган ташкил омилар ҳам борки, бундан кўз омиб бўлмайди. Узок ўтмишда буюк силжилларга, Ренессанс ҳодисаларига гувоҳ бўлган, шонли давлатчилик таърибаларига эга бўлган, жаҳон фани, маданияти, адабиёти ва санъатига кучли таъсир ўтказган халқ ўз тақдирини ўзи ҳал қилишга қўйиб. Фақат уни ўз холига қўйиб қолди. Ҳақиқат айтиш мумкинки, Афғонистондаги мавжуд бекарорлик, қуролли тўқнашувлар ва қон тўкишларнинг давом этаётганлиги бутун минтақа учун жиддий таҳдид туғдирмоқда. Айни пайтда турли террорчилик ҳаракатларининг кучайиб боришига, ислом радикализи таъсирининг ошиб боришига ва у қайсидир даражада халқаро терроризмнинг муҳим таянчига айланишига олиб келди. Зотан, бугун дунёда 500 дан ортқ халқаро террористик ташкилотлари мавжуд бўлган бир пайтда, Афғонистондаги

ҳодисалар уларга сабоқ бўлиши ва ҳатто, зарур бўлиб қолганда Афғонистон уларнинг тажриба майдонига айланиши мумкин. Ана шу тарзда, биринчидан, Афғонистондаги қуролли тўқнашувлар, толибларнинг расмий ҳукумат билан ўзаро келишмовчилиги бутун инсоният истиқболини, XXI асрдаги тақдирини хавф остида қолдиради. Тарихий тараққиётни барбод этади.

Иккинчидан, Афғон халқининг қарийб ярим асрлик ўтмиши хунрезликлар, вайронагарчиликлар ва қурбонликлар тарихига айланмоқда. Халқ бундай пароканда ва таҳдидли ҳаётдан чарчаган. Расмий ҳокимият эса бошқарув тизгинини бутунлай қўлга чиқариб юборган, жамиятда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкам ўрнатишга қодир бўлолмаётган бир пайтда ушбу маконда ижтимоий адолат барқарор бўлишини бутун инсоният кутмоқда. Афғонистондаги гоёт мураккаб сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий зиддиятларни назарда тутиб Президент Ш.Мирзиёев «Аминмиқзи, Афғонистонда тинчликка эришишнинг ягона йўли – марказий ҳукумат ва мамлакат ичидаги асосий сиёсий кучлар ўртасида олдидан ҳеч қандай шарт қўймасдан, тўғридан-тўғри мулоқот олиб боришдир. Музокаралар афғонистонликларнинг ўзлари ҳал қилувчи ўрин тутадиган ҳолда Афғонистон ҳудудида ва БМТ шафелигида ўтиши лозим. До-нишманд афғон халқи ўз тақдирини ўзи ҳал қилишга ҳақлидир», – деди.

Учинчидан, кўп йиллик хунрезликлар оқибатида миллат генофонди жиддий равишда бузилди. Геноцид ҳодисаси юз берди. Қалби меҳр-муруватдан мосуво, эзгуликни, яхшилик ва муҳаббатни ҳис қилолмайдиган, жаҳолат ва залолат туфайли ҳаёт моҳиятини англаш қобилиятини йўқотган оломон юзага келмоқда. Бундай пайтда фикрга қарши фикр, гоёга қарши гоё, жаҳолатга қарши маърифат тамойилини ҳаётда жорий этиш, инсоннинг инсонлигини англаш ва ўзини ўзи қадриятга айлан-тириш сингари маънавий-руҳий қудратни уйғотиш тақозо этилмоқда. Бу нафақат Афғонистон расмий ҳукуматининг, балки, қатор нуфузли халқаро ташкилотларнинг, йирик давлатлар ва жамоат бирлашмаларининг амалий қўллаб-қувватлаши, инсонпарварлик муносабатларини талаб этади.

Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёевнинг яқинда Тошкентда бўлиб ўтган, жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак эътироф этилган Халқаро конференцияда қилган маърузасида ўзининг сиёсий ва тарихий моҳияти билан жаҳон ҳамжамиятини, давлат ва сиёсат арбобларини, халқаро ташкилотларни Афғон фожиасига инсонпарварлик нуқтаи назаридан муносабатда бўлишга чақирди. Афғон муаммосини нафақат уларнинг ички муаммоси, балки улкан минтақавий ва умумсайёравий, бутун инсоният тақдирини ва истиқболига дахлдор муаммо сифатида баҳолашга даъват этади.

Зотан, афғон фожиаси – бутун инсоният фожиаси. Маҳаббатли ва гоёт мазмундор тарихга эга бўлган миллат қирилмоқда, геноцидга учрамоқда. Халқнинг ирсий асослари бузилмоқда. Бу ялли миллий таназул билан боғлиқ бўлган маънавий-руҳий озурдалик синдроми. Бу ҳар қандай вабодан ёки ковиддан хавфли, хатарли сиёсий ва ижтимоий касаллик синдроми. Улкан тарихий ва маданий меросига эгалик қилаётган, инсоният тараққиётига муносиб ҳисса қўшган миллат генофондини асраш уни геонид ҳолатидан қутқариш умуминсоний моҳият касб этмоқда.

Нарзулла ЖўРАЕВ,
Сиёсий фанлар доктори,
профессор



2003 йилнинг кузи эди...

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Фарғона вилояти Кенгаши раиси сифатида мен ҳам, атрофимдаги сафдошларим ҳам ёлгон ҳисоботлардан «тўйиб, безиб кетган» пайтимиз эди. Айниқса, иш ҳақи ўз вақтида берилмай, 2-3 ойлаб кечиктирилиши қонунларимизга зид бўлиб, кўплаб юртдошларимизнинг норозилигига сабаб бўларди. Пенсиядаги фахрийлардан ҳам нафақа кеч берилмаётганини эшитиб, баттар куйинардик. Ҳатто, вилоят ҳокимлиги газетаси ҳодимлари ҳам маошларини вақтида ололмасалар-да, ҳисоботларда тескариси ёзиларди.

Шу сабаб бўлди-ю, Олий Мажлисга партиямиздан сайланган депутат, бағдодлик Тоҳиржон Ҳамроқуловнинг хонадонига бориб, сессияда сўзга чиқишини ва ойлик маошларининг кечикиши масаласига Президент ва парламент эътиборини қаратишини сўрадим. Вазифа ўта нозик, айтиш мумкинки, қалтис, қолаверса, инсон тақдирига ё салбий, ё ижобий таъсир кўрсатадиган даражада эди. Аммо Тоҳиржон иқиланмай рози бўлди. Агар унинг журъатли эканини билмаганимда партия номидан унга бу вазифани юклаган бўлардим.

...Сессия ўз ишини бошлади. Аммо аксига олгандай, Тоҳиржонни қотибиятга сайлаб қўйишгани уни бироз ҳаракатдан чеклаб қўйганди. Аммо қутилмаганда қўлай вазият пайдо бўлди. Раислик қилувчи сўзини Молия вазирга берди. Вазир ўзининг маърузасида республикада молиявий аҳвол рисоладагидек экани ҳақида «осмонни ямаб» гапирга бошлади, ҳатто иш ҳақи, нафақа ва бошқа тўловлардан давлатнинг умуман қарзи йўқлигини таъкидлади. Вазир ўз чиқишини тугаллагач, раис депутатларга юзланиб, саволлар бўлса беришларини сўради. Ҳамма жим, сукунат. Шунда Биринчи Президентимиз Ислам Каримов «ҳадеб қоғозни қийнаб, шикоят ёзавергандан кўра, мана ўша пулни ҳал қиладиган одам, сўранглар ундан» – деб залдагиларга туртки теледи.

Бу пайт телевизор қаршида тарихий воқеликни кутгандек, ҳаяжон билан ўтирдим. Не кўз билан кўрайки, депутатимиз ўрнидан туриб, раислик қилувчига бир қоғозни узатди. Раис уни ўқиб чиқдида, «Сўз Бағдод-2 сайлов округидан депутат Тоҳиржон Ҳамроқуловга» деди.

Шу дақиқалардаги ҳаяжон, кўркув ва иқиланишини енгиб, ўзида журъат топганини фақат Тоҳиржоннинг ўзи

билади. У минбарга чиқиб, ўзини таништирди: «Мен Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси аъзоси, «Халқ сўзи» газетаси фотомухбириман». Шундай деди-да, бирдан Президентимиз томонга юзланиб: «Ота, вазирингиз ёлгон гапирди, иш ҳақи, нафақалар тўлови бўйича аҳвол Фарғонада, қолаверса, республикада ҳам жуда ачинарли, мен сафар хизматлари чоғида бунинг жонли гувоҳи бўлиб келяпман. Сиздан партиядошларим, халқ номидан илтимос қиламан, бу масалани ўзингиз шахсан назоратга олинг, шунда тартибга тушади», – деди.

...Зал аввалида «шок»ка тушгандек эди, кейин ғалаговур бошланди, фотомухбирлар суратга тушира бош-

« ўша кунлик кечқурун мени вилоят ҳокимлигига чақирди ва қўлимга махсус пакет тутқазди. «Ўқиб чиқиб, ижросини таъминланг!». Ишхонага келиб, пакетдаги қоғозлар билан танишсам, ажабтовур ҳолат – бу Тоҳиржоннинг «ножўя» ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотнома ва...

лади. Шунда маҳоратли тасвирчи камерасини Фарғона делегациясига қаратди. Вилоят ҳокими, раҳматли Алишер ака қўлини «ўзингни бос», дегандек кўксига қўйди...

Биринчи Президентимиз эса вазиятни юмшата бошлади: «Тоҳиржон, ука, бу гапларни биз ҳам айтмоқчи эдик, лекин сиз бироз тезлаштириб юбордингиз. Билган бўлсангиз, залда турли кузатувчилар, журналистлар, чет эллик меҳмонлар ҳам ўтиришибди. Майли, камчиликни айтганимиз дуруст, бироқ хорижий дўстларимиз сизнинг «Ота!» деб қилган мурожаатингизни тушунамаслиги мумкин».

Сессияда рўй берган қолган жараёнлар менга қоронғу, кейинчалик ҳам бу сессия аввалгилар каби қайта намоиш этилмади.

Ўша кунлик кечқурун мени вилоят ҳокимлигига чақирди ва қўлимга махсус пакет тутқазди. «Ўқиб чиқиб, ижросини таъминланг!». Ишхонага келиб, пакетдаги қоғозлар билан танишсам, ажабтовур ҳолат – бу Тоҳиржоннинг «ножўя» ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотнома ва уни партия сафидан ўчириб, депутатликдан чақириб олиш ҳамда ишни ҳуқуқ тартибот идораларига топшириш ҳақида ёзилган партия вилоят Кенгашининг қарори лойиҳаси эди.

Марказдагилар ҳамма ишни мен учун бажариб қўйишди, шундоққина имзо чекиб, муҳр

босилса, кифоя эди.

Уйлаб туриб, кечаси ўша пайтлари фуқаролик жамиятлари институти раҳбари, аъжойиб инсон филология фанлари доктори Муҳаммадхонга кўнғироқ қилдим-да, масалани тушутирдим ва эртасига беш нафар партия аъзоси иштирокида йиғилиш ўтказиш таклифини айтдим. Муҳаммадхонга раҳмат, бизни қўллаб-қувватлади.

Барча вакиллар навбатдан ташқари йиғилиш чақирилганига ҳайрон бўлиб, ажабдоримни тинглаган, фақат битта савол беришди. «ЎзМТДП вилоят Кенгаши қандай қарорга келди?».

Мен партиямиз аъзоси, Олий Мажлис депутати Тоҳиржон Ҳамроқуловга партиявий принципларни, кам-

чиликларни фож этишдаги журъати учун ташаккур эълон қилганимизни айтганимда, йиғилиш қатнашчилари бу қароримизни баралла олқишлади.

Албатта, на вилоят ҳокимлиги, на юқоридагилар бизнинг қароримизни маъқуллашмади, аксинча топшириқ билан Тоҳиржоннинг жусурий телевидениеси фаолияти бўйича жиноят иши очилиб, анча судра-судра қилишди. Сафдош дўстим анча саломатлигини йўқотди, қанча вақти бемаъни сўроқ-қистовларга кетди. «Ўзбошимчалигим» боис менга ҳам жиноий иш очилди, ўн бир ой давомида тергов-суд жараёнларини ўз бошимдан ўтказдим.

Яратганга шукрим, у кунлар ортда қолди. Бироқ ҳақиқат барибир қарор топди. «Тоҳир-Бағдод» телевидениеси бугун ҳам ишлаб, халқимизга хизмат қилиб келмоқда.

Партиядош дўстимиз Тоҳиржон Ҳамроқуловни эса Аллоҳ раҳматига олсин. 2003 йилнинг октябрь ойида ўтган Олий Мажлис сессиясида шу партиядошимизнинг журъатли чиқишиндан сўнг масала қаттиқ назоратга олинди ва меҳнаткашлар, айниқса, пенсионерлар нафақаларини ўз вақтида олиш имконига эга бўлгандилар.

Бахтиёржон МўМИНОВ,
Ўзбекистон
Журналистлари ижодий
уюшмаси аъзоси



25 ИЮЛЬ
санаси Ўзбекистон спорти тарихига
ЗАРҲАЛ ҲАРФЛАР
билан битилди. Шу куни (-68 кг)
эндигона 19 ёшни қаршилаган
ҳамюртимиз
УЛУҒБЕК РАШИТОВ тазквондо бўйича
«Токио-2020» Олимпия ўйинлари
ОЛТИН МЕДАЛини қўлга киритди.

Ихчам тақриз

«Ўзга сайёрадаги бир кеча»ни ўқиб



Инобат Султон Бегимни шеърлари орқали билардим. Яқинда Тошкентда чоп этилган «Ўзга сайёрадаги бир кеча» тўпламини ўқидиму, унинг насрда ҳам муайян ютуқларга эришганга ишонч ҳосил қилдим. Агар тўпламга кирган қисса ва ҳикоялар анъанавий мавзуларнигина қамраганида балки «шунчаки бир ўртамиёна китоб чикибди-да», деб қўя қолардим. Бироқ Инобатхон адабиётимизда ҳамма ҳам ёзишга журъат қилавермайдиган саргузашт-фантастика жанрида ўзини синаб кўрибди. Маълумки, таниқли фантаст ёзувчи Ҳожиакбар Шайхондан кейин адабиётимизнинг бу соҳаси анчагина оқсаб қолгандек эди. Мана шу журъат китобдаги ҳикояларнинг айрим заиф қирраларини ёпиб, ўқувчининг қизиқишини оширади. Саргузашт ва детективга

мойил ҳикояларнинг барчасида асосий қаҳрамон бўлиб гўзал орзу-интилишлари, яратишга бўлган иштиёқлари баланд ўзбек ёшлари майдонга чиқади. Масалан, «Ўзга сайёрадаги бир кеча» фантастик ҳикоясининг бир гуруҳ қаҳрамонлари Фаррух, Рашид, Шамсия ва бошқалар номаълум сайёрани забт этиш мақсадида коинот сафарига отланар экан, дуч келган қийинчиликларни бамақсад, ўзаро фикрлашиб, ўзбек фазогирилик тажрибасига таяниб бартараф этишади. Дарвоқе, тажриба ҳақида. Дунёдаги ривожланган кўп давлатларда йўқ тузилма – «Ўзбеккосмос» агентлиги юртимизда мавжудлиги, фазогирилик, космонавтика, астрономия соҳалари борасидаги билимлар Беруний, Улуғбек замонларидан бери тараққий топиб келаётган бир пайтда келажакда ўзбек фазогирилари

янги-янги юлдузларни забт этишига нега ишонмаслигимиз керак! Мана шу гоёни кўтаришнинг ўзи китобнинг ёшлар тарбиясида аҳамиятли эканини кўрсатади. Ундаги «Тош меҳроб тилсими», «Энг яхши ихтиро», «Сирли эликсир» ҳикояларида ҳам тасвир воситалари қутилмаган воқеаларга омухталиги, қизиқишни орттириш имконияти кенглиги билан эътиборга сазовор. Бир талай ҳикояларда инсоний оқибат, вафо ва садоқат, кадр-қиммат каби тушунчалар улуғланади. Бу жиҳатдан «Яшил деразадан қараётган гўдак» ҳикояси айниқса таъсирли чиққан. Тўпламдаги ягона қисса «Шоввозлар» ҳам муаллифнинг услубига хос саргузашт-детектив воқеаларига бой. Қисса бошидаёқ ўтган асрнинг охирларида кўзга ташланиб турган киссавурлик,

кўзбўямачилик, талон-торож ҳолатлари ёрқин бўёқларда тасвирланади. Фалакнинг гардиши билан ота-она меҳрига, тарбиясига тўймаган Баҳром ва Рашид ўғирликни, лўлилар таъсирида улғайган гўзал Захро эса кўзи ожизлигидан фойдаланиб, тиланчиликни касб қилишади. Асар охирида ака-сингил Рашид ва Захронинг бир-бирларини топиши уларнинг ҳаёт узанини яхши тарафга тубдан бурилишига олиб келади. Биз қисса ва ҳикоялар муаллифини кўкларга дадил қадам ташлаётган Сирдарё адабий муҳитида «Ўзга сайёрадаги бир кеча» китоби ўзига хос эътиборга лойиқ десак хато бўлмайдими.

Равшанбек МАҲМУДОВ,
ГулДУ профессори

Бошқотирма

Уруш қатнаш-чиси	Онгли машҳур-дод	Абадул-абд, бир умр	Ахднинг бузувчи	... Мон-те Кристо (асар)	Кўрмисиз уй, бошпана
Оллоҳга бе... шу-кур	Еритиш асоби, чироқ	Сипо, камтар, хохисор	Муш-хотёрлардан бири	Лаб, дудок	... Каспаров, шахматчи
... Имомов, му-раббий	Калам, рунка - ... қурол	... Рид (ёзувчи)	Қўйнинг пуч ... қа-тўлдирди	Дарё, Хиндистон	Доривор ўт
Аллома	Ватанин севмоқ ... дандир	Текст	...говур	Чирмовик	Ярим таяёр шўрва
Қарғиш олган, лангати	Пул, мулла-жиринг	Ажриқ	Вело му-собакаси йўли	Кузо-лон, га-лаён	Ҳаж қил-ган одам
У ерга қандил осилади	"У ким?, Бу ..."	Италия футбол клуби	Микки ... (актёр)	Жанго-вар нидо	Мугъли дўсти
		Масхара, мазах, майна		"Арта", "Тара", "Гала"	"Яши ... бир кам-чи"
				Уқ отиш машқи койи, полигон	"Фойда-ни ... қи-ламиз!"
				Бобурий-лар қа-роргоҳи	Попов ихтироси
				Жамов ҳўжалиги бошлиғи	...чикир
				Дарё, Хиндистон	Сен бари-бир муал-ласан, му-кадас ...
				Сипо, камтар, хохисор	Муш-хотёрлардан бири
				Онгли машҳур-дод	Уруш қатнаш-чиси

Ҳафталик об-ҳаво маълумотлари

Kun	Harorat	Tavsif	Yog'in-garchilik
Chorshanba 28 iyul	+37° +20°	ochiq havo	0%
Payshanba 29 iyul	+35° +20°	ochiq havo	0%
Juma 30 iyul	+36° +22°	ochiq havo	2%
Shanba 31 iyul	+37° +23°	ochiq havo	0%
Yakshanba 1 avgust	+37° +23°	joylarda bulutli	3%
Dushanba 2 avgust	+38° +23°	ochiq havo	2%
Seshanba 3 avgust	+38° +24°	joylarda bulutli	0%

Келинг, бир кулишайлик!

- Сигирингиз қанча сут беради? – 10 литр.
- Сиз шунча сутни нима қиласиз? – 2 литрини ўзимиз ичамиз, 12 литрини бозорда сотамиз.

Доктор, очкўзликка қарши бирор малҳамингиз борми?
– Бор, ҳозир мен сизга дори ёзиб бераман.
– Фақат кўпроқ ёзинг, кўпроқ...



Ўзбегим

Ал Беруний, Ал Хоразмий,
Ал Фороб авлодидан,
Асли насли балки Ўзлук,
Балки Тархон, ўзбегим.

Ўтдилар шўрлик бошингдан
Ўйнатиб шамширларин
Неча қоон, неча султон,
Неча минг хон, ўзбегим.

Тогларинг тегранда гўё
Бўёма аждар бўлди-ю,
Икки дарё – икки чашиминг,
Чашими гирён, ўзбегим.

Қайсари Рум найзасидан
Бағрида доғ узра доғ,
Чингизу Боту тигизга
Кўкси қалқон, ўзбегим.

Ёғди тўрт ёндин асрлар
Бошингта тийри камон,
Умри қурбон, мулки торож,
Юрти вайрон, ўзбегим.

Давр зулмига ва лекин
Бир умр бош эмадинг,
Сен – Муқанна, сарбадор – сен,
Эрксева қон, ўзбегим.

Сен на зардушт, сен на буддий,
Сенга на отаи, санам,
Одамийлик дини бирла
Тоза имон, ўзбегим.

Маърифатнинг шўғласига
Талпиниб зулмат аро,
Кўзларингда окди тунлар
Кавкабистон, ўзбегим.

Тузди-ю Мирзо Улуғбек
Қўрагоний жадвалин,
Сирли осмон токига илк –
Кўйди нарвон, ўзбегим.

Мир Алишер наърасига
Акс-садо берди жаҳон,
Шеъринг мулкида бўлди
Шоҳу султон, ўзбегим.

Илму шеърда шоҳу султон,
Лек тақдирга қул,
Ўз элида чекии гурбат,
Зору полон, ўзбегим.

Мирзо Бобур – сен, фигонинг
Солди олам узра ўт,
Шоҳ Маишар қони сенда
Урди тугён, ўзбегим.

Шеърингнинг гулишанида
Сўлди маҳзун Нодира,
Сийм танни ювди кўз ёш,
Кўмди армон, ўзбегим.

Йиғлади фуқаратда Фуқрат
Ҳам муқимликда Муқоим,
Нолшингдан Ҳинду Афгон
Қилиди афгон, ўзбегим.

Тарихинг битмакка, халқим,
Мингта Фирдавсий керак,
Чунки бир бор чеккан оҳинг
Мингта достон, ўзбегим.

Орда қолди кўҳна тарих,
Орда қолди дард, ситам,
Кетди ваҳминг, битди захминг,
Топди дармон, ўзбегим.

Бўлди осмонинг чарогон
Толе хуришиди билан,
Бўлди асрий тийра шоминг
Шуъла афшон, ўзбегим.

Мен Ватанин боз деб айтсам,
Сенсан унда битта гул,
Мен Ватанин кўз деб айтсам,
Битта муғсон, ўзбегим.

Фахр этарман, она халқим,
Кўкрагимни тоғ қилиб,
Кўкрагида тоғ кутарган
Танни оёҳсон, ўзбегим.

Ўзбегим деб кенг жаҳонга
Не учун маоҳ этмайин!
Ўзлим билмоққа даврим
Берди имкон, ўзбегим.

Мен буюк юрт ўғлидурман,
Мен башар фарзандиман,
Лек аввал сенга бўлсам
Содиқ ўғлон, ўзбегим.

Менга Пушкин бир жаҳону
Менга Байрон бир жаҳон,
Лек Навоийдек бобом бор,
Кўкси осмон, ўзбегим.

Қайга бормай бошда дўттим,
Ҳоз юрарман, гердаийиб,
Олам узра номи кетган
Ўзбекистон, ўзбегим.

Бу қасидам сенга, халқим,
Оқ суту туз хурмати,
Эркин уелинган, қабул эт,
Ўзбегим, жон ўзбегим.

ЎЗБЕКИСТОН
«МИЛЛИЙ
ТИКЛАНИШ»
ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИНING
ИЖТИМОНИЙ-
СИЁСИЙ
ГАЗЕТАСИ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Алишер ҚОДИРОВ – кенгаш раиси,
Акмал САИДОВ, Абдулазиз АККУЛОВ, Аброр ПЎЛАТОВ,
Амридин БЕРДИМУРДОВ, Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ,
Илхом АБДУЛЛАЕВ, Минхожиддин МИРЗО,
Нодир МУХТОРОВ, Одилжон ТОЖИЕВ, Отабек ЖИЯНБОЕВ,
Озодбек НАЗАРБЕКОВ, Ортикали ҚОЗОҚОВ,
Феруза МУҲАМЕДЖАНОВА, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД,
Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖА, Шавкат ШАРИПОВ,
Шухратжон АХУНДЖАНОВ.

Бош муҳаррир:
Миродил АБДУРАҲМОНОВ

**ТАҲРИРИЯТ
МАНЗИЛИ:**
Тошкент шаҳри,
Миробод тумани,
Буюк Турон кўчаси,
41-уй.
Газета таҳририят
компьютер
марказида терилди
ва саҳифаланди.

Муаллифлар фикри
таҳририят нуқтаи
назаридан фарк
қилиши мумкин.

Таҳририятта келган хатлар доимий
эътиборимизда бўлиб, улар
муаллифларига қайтарилмайди.

Навбатчи муҳаррир:
Равшан МАҲМУДОВ
Навбатчи:
Вилоятхон ШОДИЕВА
Дизайн гуруҳи:
Маъмуржон ҚУДРАТОВ,
Умид АРСЛОНБЕКОВ,
Фирдавс ҲАМИДУЛЛАЕВ,
Соҳиба СОЛИЕВА

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона (факс): (71) 232-12-03, +99897 755-10-11

Газета «SHARQ» нашриёти-матбаа акциядорлик компаниясида
чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Газета ҳафтанинг чоршанба кунини чиқади.

Алади – 25 044.
Газетанинг баҳоси келишилган нарҳда.
Қоғоз бичими: 350x587. **Ҳажми:** 4 босма табоқ
Буюртма – 716
Босишга топшириш вақти 21.00.
Топширилди 2:35

Электрон почта: **ISSN 2010-7714**
mtiklanish@bk.ru / mtiklanish@mail.ru